

## Н.А.БЕРДЯЕВ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИННИГ АЙРИМ ҚИРРАЛАРИ

Уракова Наргиза Саломовна

Карши давлат университети фалсафа фанлари номзоди

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7440167>

**Аннотация.** Фан ва техника ривожланиб борган сари унда фалсафий умумлашмаларга бўлган эҳтиёж ҳам кенгаяди, чуқурлашади. Бу эса инсониятнинг кўп асрлик тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ақл-заковатининг етук маҳсул бўлган фалсафий мерос ва қадрияларни чуқур, илмий ўрганиши, уларни ривожлантириши, мустақил Ўзбекистоннинг демократик йўлдан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий илгарилаб бориши муаммоларини яхлит таҳлил қилиши, кишиларнинг илгор дунёқарашини шакллантиришига янгича, ижодий ёндашии заруриятини келтириб чиқаради.

**Калим сўзлар:** цивилизация, бағрикенглик, персонализм, экзистенциализм, инсон эркинлиги, ижтимоий бошқарув, маънавий тараққиёт.

## НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ФИЛОСОФСКОГО НАСЛЕДИЯ Н.А. БЕРДЯЕВА

**Аннотация.** По мере развития науки и техники потребность в философских обобщениях расширяется и углубляется. Это глубокое, научное исследование философского наследия и ценностей, являющихся зрелым продуктом разума, сформировавшегося в ходе многовекового исторического развития человечества, их развитие, всесторонний анализ проблем политической, экономической, социальное и духовное продвижение независимого Узбекистана по демократическому пути, формирование передового мировоззрения людей создает потребность в творческом подходе.

**Ключевые слова:** цивилизация, толерантность, персонализм, экзистенциализм, свобода человека, социальное управление, духовное развитие.

## SOME ASPECTS OF THE PHILOSOPHICAL HERITAGE OF N.A. BERDYAEV

**Abstract.** As science and technology develop, the need for philosophical generalizations expands and deepens. This is a deep, scientific study of the philosophical heritage and values, which are a mature product of the mind, formed during the centuries-old historical development of mankind, their development, a comprehensive analysis of the problems of the political, economic, social and spiritual advancement of independent Uzbekistan along the democratic path, the formation of an advanced worldview of people creates a need for creative approach.

**Keywords:** civilization, tolerance, personalism, existentialism, human freedom, social management, spiritual development.

## Кириш

Умуминсоният цивилизациясининг маънавий асосларида чуқур ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги даврда жаҳон фалсафа илми вакилларининг қарашлари, жумладан, Н.А.Бердяев фалсафий таълимоти ва илмий мероси ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Шу боисдан, жамиятнинг демократлашуви билан Н.А.Бердяев фалсафий меросини тадқиқ этишга қаратилган бир қатор ишларни амалга ошириш, унинг ижодидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё тан олган файласуфнинг кўпгина асарлари ҳанузгача ўзбек тилида нашр этилмагани сабаб ёшларимиз улардаги ғоявий қарашлар билан яхши таниш эмас. Шу боис, Н.А.Бердяевнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш, ундаги ахлоқий, ижтимоий-

сиёсий, диний қарашларни илмий асосда таҳлил қилиш лозим. Учинчи Ренессанснинг пойдеворини қўйишида нафақат миллий маданий меросни, балки жаҳон фалсафаси тафаккури тарихини ўрганиш, илмий тадқиқ ва тарғиб этишга эхтиёж ошмоқда. Бу эса муайян даражада Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси давлатлари, ўзбек ва рус халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, бирлик ва тотувликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига ташрифлари чоғида: “Ўзбекистон халқи буюк рус халқини, унинг бой тарихи, санъати, анъана ва қадриятлари, рус характеристига хос бағрикенгликни чуқур хурмат қилишини алоҳида таъкидлашни истардим” – деган фикрлари ўринлидир.

Фан ва техника ривожланиб борган сари унда фалсафий умумлашмаларга бўлган эхтиёж ҳам кенгаяди, чуқурлашади. Бу эса инсониятнинг кўп асрлик тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ақл-заковатининг етук маҳсули бўлган фалсафий мерос ва қадриятларни чуқур, илмий ўрганиш, уларни ривожлантириш, мустақил Ўзбекистоннинг демократик йўлдан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий илгарилаб бориш муаммоларини яхлит таҳлил қилиш, кишиларнинг илфор дунёқарашини шакллантиришга янгича,ижодий ёндашиш заруриятини келтириб чиқаради. Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир: “Шарқ донишмандлари айтганидек: “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!”. Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эхтиёжга айланиши керак.”

Зоро, Конфуцийнинг фалсафий ҳикматлари, Афлотуннинг “Ғоялар дунёси ва нарсалар дунёси” тўғрисидаги таълимоти, Гегель диалектикаси, инсонпарвар замонавий фалсафий оқимларда илгари сурилаётган фикрлар сингари Н.А.Бердяевнинг диний фалсафаси ва экзистенциализми ҳам миллий мағкурунинг умуминсоний асосларидан биридир.

## Материаллар ва методлар

Олимнинг фалсафий мероси ва таълимотининг айрим қирралари Ўзбекистон мустақиллиги даврида нашр қилинган фалсафа ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларга оид дарслклар, ўқув қўлланмаларида акс этган. Бироқ, бизнингча, бу мақолаларда Н.А.Бердяев ижодининг моҳиятини тўлиқ ўрганилмаган.

Фалсафага оид лугатларда файласуфнинг ҳаёти, фаолияти, таълимотининг мазмунини ифодаловчи маҳсус мақолалар берилган. Олим ҳақида маълумотлар истиқлол йилларида республикамизнинг бир қатор файласуф, сиёsatшунос, тарихчи олимлари ва хорижий тадқиқотчиларнинг ўзбек тилига таржима қилинган монографиялари, китоблари, рисолаларида ҳам берилган.

Ушбу манбаларда муаллифлар ўз муаммолари доирасида мутафаккирнинг фалсафий меросидаги дин, ахлоқ, сиёsat масалаларига у ёки бу даражада тўхталиб ўтганлар. Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ҳам кейинги вақтда рус файласуфининг фалсафий меросини ўрганиш соҳасида муайян натижаларга эришилган.

Шунга кўра, биз ушбу мақолада Н.А.Бердяевнинг ижодини, дунёқарашини, ижтимоий қарашларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

## Асосий қисм

Замондошлари Н.А.Бердяевга юксак баҳо бериб уни “рус Гегели”, “Достоевский фарзанди” деб таърифлаганлар.

Рус олими В.Г.Горбачев, Н.А.Бердяевни “рус Гегели” энг ёрқин ва шу билан жаҳон ва ватан фалсафаси тарихида фожиали шахслардандир”, деб таъкидлаган. К.Ковалевнинг таъкидлашича “1947 йилда Буюк Британиянинг Кембриж университети Н.А.Бердяевга теология доктори унвонини беради”. Унинг Парижда босиб чиқарилган асарлари, китоблари, мақолалари ва нашрларининг сони 483 номдан ошиб, дунёнинг 20 дан ортиқ тилларига таржима қилинган. Буларнинг ҳаммаси Н.А.Бердяевнинг нафақат рус, балки жаҳон фалсафий ва маърифий тараққиётига улкан ҳисса қўшган машҳур файласуф олим ва таниқли публицист даражасига кўтарилганлигидан далолат беради.

Жаҳон фалсафаси тарихида XIX охири ва XX аср бошлари ғоят мураккаб, зиддиятли ва мазмунга бой, айни соғда ижтимоий тузумлар учун, фалсафий-сиёсий таълимотлар, маънавий-ахлоқий тамойиллар, қадриятлар ва цивилизациялар учун ҳам муҳим, мashaққатли давр бўлган. Бу жараённинг моҳияти ва хусусиятларини англашда рус фалсафаси, хусусан унинг таниқли вакилларидан бири Н.А.Бердяевнинг ҳаёти, фаолияти ва фалсафий таълимоти муҳим ўрин тутади.

Н.А.Бердяевнинг фалсафий мероси кўп йўналишли бўлиб, уларга шахс ва инсон эркинлиги ва қадри, давлат ва ижтимоий бошқарув, жамият ва маънавий тараққиёт, жамиятда диннинг устуворлиги, тарихнинг маъноси ҳақидаги каби муаммолар киради, улар жаҳон фалсафий қарашлари шаклланиши ва тараққиётига таъсир кўрсатди. Шу боис, Фарбда рус фалсафасидаги диний “бурилиш” олқишиланади. Шунинг учун унинг диний-фалсафий қарашларининг жаҳонда тан олинишининг сабаби шундандир. Зоро, унга 1947 йилда Кембриж университетининг теология доктори унвони берилганлиги ҳам шу билан изоҳланади.

Н.А.Бердяевнинг фалсафий мероси мураккаб ва серқирра ҳамда кўп йўналишилдири. Файласуф тўғрисидаги тадқиқотлар ва мавжуд маълумотлар рус диний фалсафаси, персонализм, экзистенциализм, славянофиллик оқимларнинг асосчиси эканлигини исботлайди.

Унинг фалсафий меросида қадриятшунослик, айниқса инсон ва шахс қадри масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Унингча, инсон муаммоси фалсафанинг асосий муаммосидир. Инсон энг олий даражадаги тарихий мавжудотдир. Инсон тарихий даврда, тарихий давр инсонда мужассамдир. Инсоннинг ўзини икки дунё - ердаги ва илоҳий, пастки ва юқори дунё кесишадиган нуқта сифатида тавсифлайди. Унингча, инсон юксак маънавий - диний, ахлоқий, эстетик сифатларни ташувчисидир.

Н.А.Бердяев инсон ва шахс ҳаётида эркинлик масаласига катта аҳамият берган. Унинг фикрича, эркинлик инсоннинг ички қувватидир. Худди шу қувват ёрдамида инсон муайян турмуш қуриши, янги жамият, янги дунё барпо этиши мумкин. Олимнинг таъкидлашича, эркинлик инсонга берилган танлаш ва саралаш имконияти эмас, балки ижодкорликдир, яъни аввал мавжуд бўлмаган нарсани яратишидир. Худди шу жараёнда инсоннинг реал эркинлиги яққол намоён бўлади. Эркинлик йўқни бор қилувчи қудратдир. Инсоннинг нафақат табиий оламни, ҳатто ўзини ўзи қайта қуриш қувватидир. Унинг фалсафий меросида давлат ва ижтимоий бошқарув масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Н.Бердяев давлатнинг жамият ва инсон ҳаётидаги роли, унинг ижобий ва салбий аҳамиятини кўрсатиб, инсон хоҳиш-иродаси билан яратиладиган, йўқ қилинадиган давлатнинг объектив табиий ва тарихий реаллик эканлигини таъкидлайди. Н.А.Бердяевнинг давлатлар ва миллатларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқdir. Унингча, давлат миллатлар мавжудлигининг белгиловчи аломати эмас, ҳар қандай миллат ўз давлатини ташкил қилиши, уни мустаҳкамлаш ва кучайтиришга ҳаракат қилиши керакdir. Бу миллатнинг соғлом туйғусидир. Давлат орқали миллатлар ўз имкониятларини очади ва амалга оширади. Миллатларнинг ўз давлати, мустақиллиги ва суверенитетини йўқотиши буюк баҳтсизликдир, миллатлар руҳини майиб қиласидиган оғир касалликдир.

## Хуроса

Н.А.Бердяев ўз фалсафий мероси ва асарларида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг сақланиши ва мустаҳкамланишига катта аҳамият берган. Олимнинг қарашлари ва таълимотларининг кўп жиҳатлари Ўрта Осиё мутафаккирлари ва файласуфларининг илмий таълимотлари билан ҳамоҳангдир. Шу боисдан унинг фалсафий меросини ўрганиш мустақил Ўзбекистонда демократик, фуқаролик ва бозор иқтисодиётiga асосланган жамият қуришда ҳам ғоят қимматлидир.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. 382 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4 жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020, 11 бет.
3. Горбачев В.Г. Основы философии / Курс лекций. – М.: Владос, 1998. – С. 59.
4. Ковалев К. Николай Александрович Бердяев - философия истории и политика. –М.: Прогресс, 1996. –С.186.